



Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқишни бошлаётганларида қўлларини елка баробар кўтарар эдилар

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқишни бошлаётганларида қўлларини елка баробар кўтарар эдилар, такбир айтиб рукуъ қилаётганларида ҳам, рукуъдан бош кўтараётганларида ҳам қўлларини елка баробар кўтарар эдилар ва «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳу», «Раббано ва лакал-ҳамд», - дер эдилар. Лекин сажда қилаётганда бундай қилмас эдилар».

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам намознинг уч ўрнида икки қўлларини елка бараварида кўтарар эдилар. Биринчи: намозга кириш учун такбиротул эҳром пайтида. Иккинчи: рукуга такбир айтсалар. Учинчи: бошларини рукудан кўтариб «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳу», «Раббано ва лакал-ҳамд» деганларида Саждага кетаётганда ҳам саждадан тураётганда ҳам қўлларини кўтармас эдилар.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3095>

